

1934 | Ғ. Ҳ. СССР
11698

ДУГОНАЛАР БЛАН СУҲБАТ

ШЕ'РЛАР ВА МАҚОЛАЛАР

13120

29.

ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1953

МУНДАРИЖА

Ше'рлар

Дўстимга	3
Лобар қизларга	10
Ҳамма сафарбар	13
Она	16
Келинчак	19
Зоотехник қиз	22
Паранжисини ташламаган хотинга	24
Саодатнинг америкали хонимга жавоби	27

Мақолалар

Паранжили аёл блан учрашув	35
Дугоналар блан суҳбат	42

На узбекском языке

ЗУЛЬФИЯ

БЕСЕДА С ПОДРУГАМИ (стихи и статьи)

Госиздат УзССР — Ташкент — 1953

Редактор **С. Абдуқаҳҳор**
Рассом **А. И. Ременник**


Техредактор **Ф. Раҳматуллин**
Корректор **У. Муҳамедова**


Теришга берилди 23/X 1953. Босишга рухсат этилди 20/XI 1953. Р 08931. Қоғоз формати 70×108¹/₃₂=0,75 қоғоз листи—2,05 босма листи. Нашр л. 1,22. Шартнома № 379/53. Индекс *н/а*. Тиражи 35000. Баҳоси 50 т.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-нчи босмахонаси, Тошкент,
Ҳамза кўчаси, № 33. Заказ № 418.



ШЕ'РЛАР





ДУСТИМГА

Бугун одатимча тонгда уйғониб,
Азизим, ҳақингда яна сурдим ўй.
Яна эрта баҳор ирмоқларидай,
Менинг кўкрагимда тўлқинланди куй.

Нечунким, ўзингни тонгга ўхшатдим,
Бахтинг ярақлади қуёш сингари.
Сенинг йўлларингни эслатди менга
Уфқдан юксакка интилган сари.

Фақат сен кўрган тун юлдузсиз эди,
Қуёш чиқди, ботди сендан узоқда;
Ҳатто қалбингдаги туғма ўтинг ҳам,
Сўнди қора турмуш солган тузоқда.

Сенга Ленин тутган эрк байроғининг
Қипқизил шу'ласи тушгач кулбангга.
Сен ғамгин бошингни кўтардинг аста
Ўша сўнган ўтинг олди аланга.

Инсонсан, инсондай кун кечир,— деди,—
Бошингдан кўтариб қопқора тунни.
Қамашган кўзингла кўрдинг бир умр
Сенга инсонликни берган қонунни.

Сомон йўлидан ҳам узоқ йўл босдинг,
Келиб етишгунча сен бу ҳуқуққа.
Қанча жон, қанча қон, умид, исте'дод
Қанча Турсунойлар чўкди қудуққа.

Не-не машаққатли йўлларни босиб
Чиқолдинг зулматдан ғолиб, саломат,
Тунингга нур киргач, дилингга ҳаёт
Заҳил юзларингга чиқди малоҳат.

Очиқ кўзлар блан оламга боқдинг,
Ҳаётни танидинг рангба-ранг ва кенг.
Жаҳон ҳам умрида илк кўрди сени,
Эркину, озоду, ҳамма бобда тенг.

Асир умидларинг қулф уриб кетди,
Уфқдан уфққа етди қулочинг.
Сен блан яшнади улуғ мамлакат,—
Бахтига жўр бўлди сенинг қувончинг.

Сен она! Сен битмас ҳаёт булоғи,
Ҳаётни яратган муҳтарам омил.
Улуғ келажакнинг ёш ниҳоллари
Сендан тормоқ ёзиб топар такомил.

Сен куйчи, пахтакор, олим, тўқучи,
Юлдузлар илмини билган мунажжим;
Табиат илмидан баҳс этганингда —
Қур'он ҳам, инжил ҳам бари қолди жим.

Сен бахтиёр эдинг. Бошланди уруш,
Эрингни оқшомда жангга кузатдинг.
Тонгда биринчи бор заводга келиб
Эгасиз дастгоҳга қўлинг узатдинг.

Колхозда тўкин, мўл ҳосил ёйилиб,
Шундай қолаберди қўлингга қараб.
Оила ташвиши, уруш ташвиши
Барчаси, барчаси қилди иш талаб.

Ҳар ерда улгурди эпчил қўлларинг,
Ҳафталаб билмадинг уйқу ва ҳордиқ.
Вафо одат бўлди... ҳатто тул қолган —
Чоқда ҳам севгингда қололдинг содиқ.

Ғарбдан келган зулмат сўкилди чок-чок
Сенинг ўғилларинг очган ўт блан;
Ундаги жасорат, муҳаббат, нафрат
Сенинг соф кўксингдан ўтган сут блан.

Елкангга юкини ортган бу йиллар
Бутун борлигингни кўрсатди яққол.
Гарчанд сочга қўнди бемаҳал қиров,
Чиройинг, ироданг тополди камол.

Баҳодир халқимиз ғалаба қилди,
Яна изга тушди фаровон ҳаёт.
Паҳлавон элингда бошланди тинч иш,
Яна гуркиради меҳнат ва ижод.

Яна бағринг бутун, кўнгил беташвиш,
Яна орзу ҳавас, умидлар қат-қат.
Ҳосилдор ерларда, олтин қўлларда,
Фақат камол топар бахту саодат.

Ҳаётнинг борлиги, бари сеники.
Ҳар қайга узатсанг етади қўлинг.
Сенга кеча-кундуз нур ўзи ҳамдам,
Тўғридир, ёрқиндир ва кенгдир йўлинг.

Дўстим, сен ҳақингда сурарканман ўй,
Сени хотирлатди ўлканинг тонгги.
Қушларнинг кумушдай қанотларида
Гўё учиб юрди кулнинг жаранги.

Ўзингга берилган буюк ҳақ блан
Сен кулгин, қаҳ-қаҳанг оламга кетсин.
Чамандан тарқалган баҳор елидай
Хориж шарқ қизининг қалбига етсин.

Балки чанқаб-чанқаб кутар шу елни
Бир чоқлар худди сен кутган мисоли.
Суқ блан қараса ҳеч ажаб эмас
Чунки сен хурликнинг ёрқин тимсоли.

Дўстим, илгари бос, фақат илгари!
Сени етаклайди ленинча ғоя.
Октябрь бахш этган муқаддас қонун
Буюк ҳуқуқингни қилар ҳимоя.

ЛОБАР ҚИЗЛАРГА

Салом, менинг азиз дугоналарим,
Азизим, лобарим, чеварим қизлар!
Эй, тоза қалбимнинг ошнолари,
Қуйларим илҳоми, севарим қизлар!

Қаҳрамон йигитлар кечирсин мени,
Бу кун ҳам қўшиғим сизларга доир.
Сизни, ҳур ва озод, сизни қўйламоқ
Менга саодатдир, мен сизнинг шоир!

Мана, шод юракнинг севгисин қўшиб,
Чевар қўлингизга бермак учун гул.
Сизга ёзган юрак ше'рим изидан
Республикам бўйлаб мен ҳам олдим йўл.

Ҳорманг, пахтакорлар, муборақ бўлсин,
Меҳнат ва тинчликнинг мўл ҳосил тўйи!
Ҳаттоки, қуёшга етаолгудай
Дур бўлиб уйилмиш хирмонлар бўйи.

Кумушдай очилган бу пахталарда,
Сизнинг қўлингизнинг ҳиссаси улур,
Жон-дилдан ишлайсиз, чунки қалбингиз
Эзгу умид блан севгига тўлиқ.

Сиз энди биласиз саодат нима,
Бахтингиз қаерда, кимсиз ўзингиз.
Букуну эртани очиқ кўради
Озодлик мунаввар қилган кўзингиз.

Водийлар қўйнига трактор солмоқ,
Фаровон ҳаётда яйраш дедингиз.
Граммлаб пахтани чаноқдан олмоқ,
Уруш фалокатин ҳайдаш дедингиз.

Баҳорги аҳдимиз устидан чиқсак,
Улуғ юртимизнинг боши осмон.
Москва олқишласа, дўстлар қувонса
Ҳаётимиз бўлса яна фаровон.

Тинчлик ва шодликни яратучи халқ,
Сизнинг қўлингиздан кийинса гўзал.
Сизнинг юрагингиз фахрла тўлса
Азизлар, бахт бундан бўлурми афзал?

Ажойиб бир халқнинг лобар қизисиз,
Сиздан мақтанчоқлик, мағрурлик йироқ.
Кеча тузиб қўйган режаларингиз
Сизни олға томон ундайди бу чоқ.

Ўз ери, ўз эрки, ўз ҳур меҳнати,
Ўқиб ёд олгани азиз китобдай.
Не бахтдир, ҳардамги меҳнат маҳсули
Қалбингиз ёритса худди офтобдай.

Оталар эркаси, оналар бахти
Ватаннинг севгани дугона қизлар.
Сиз блан ше'римнинг рубоби янграр,
Сиз блан гўзалдир замона, қизлар.

ҲАММА САФАРБАР!

Куз келди ҳосилдор, тўкин ва гўзал
Қадрдон далада ярқирар пахта.
Худди шу ҳосилни қилгандик мўлжал
Қурултойда тузган коллектив аҳдда.

Худди шу ҳосилни қилгандик мўлжал
Эрта баҳор ерга чигит экканда.
Буткул йиғиб-териб оламиз жадал! —
Дедик биз тинчликка имзо чекканда!

Лобар қизларим, деб таянаркан эл,
Букилмас таянчдир мағрур қаддимиз.
Сочни чамбар қилиб, маҳкам боғлаб бел
Элга хизмат қилмоқ қат'ий аҳдимиз!

Мана далаларни қоплаган пахта,
Мўл не'матин ёйган тупроқ ва меҳнат.
Шону шуҳратимиз чорлар ғайратга,
Куз нозин енгади ирода фақат.

Билак қудратимиз, юрак ўтини,
Курашга бермасак, келурми зафар!
Ватан бизга берган фазилат, кўркнинг,
Барини теримга қилиб сафарбар —

Бўй тенги ғўзамиз ораларига
Саҳар ёйиламиз мисоли юлдуз.
Азиз республика далаларига
Бизнинг илк хирмондан ёйилар кундуз!

Гарчанд, гектар-гектар кенг майдонларни
Терим машиналар кезади тинмай.
Гарчанд машҳур, номдор там-там чеварлар
Рекордлар қўяди чегара билмай.—

Ҳамон сахий ерда беҳисоб пахта.
Майдон кенг, ҳосил мўл, айниқса бу йил.
Севимли Ватанга — бордир ва'дамиз,
Ва'дани бажармай тўларми кўнгил!

Ҳар қиз ўйламасми, мен шод, дўстим шод.
Дўстликда яшнади Ўзбекистоним!
Аҳдни бажармасак не дер дугонам,
Бокули қаҳрамон Сурайёхоним.

Ҳамқадам бўлса соз мусобақадош,
Совет кишисига тенглик фазилат.
Ўғул қиз кипригисимон зич, ёндош,
Бир шон-ла, шараф-ла боришдир ният.

Тинчликнинг байроғи ҳилпирар экан,
Писанд эмас кузнинг бевақт ёмғури!
Ҳатто томчисидан илгари келиб
Териб олажакмиз ҳар кўсак дурни!

Терамиз сур'атни бўшатмай бирдам,
Ишонч зўр, чиқамиз сўзнинг устидан.
Шундан сўнг ярашур Олтин Юлдузлар
Жой олса қизларнинг тоза кўксидан.

Пахтакор қизим деб таянаркан эл,
Фарзандмиз, бўламиз жонига малҳам!
Сўнгги қоп пахтани хирмондан олиб
Тинчлик карвонига ортиб, хотиржам —

Чамбар сочимизни орқага ташлаб
Яшнашиб чиқамиз улуғ байрамга
Ва'да шу, барча қиз ёппа сафарбар
Шараф-ла етмакка шу бахтли дамга!

ОНА

Қирда бўлди раис узун кун
Мана отда қайтди у жадал.
Беланчакда булутдай гўдак
Тамшанади кўкракка ма'тал.

Бахт чечагин устига она,
Худди оппоқ тонгдай эгилди.
Сут ҳид анқиб турган нафасдан
Ҳаёт тўла бир баҳор елди.

Нурга қўлин чўзган ниҳолдай,
Қабулардек талпинди гўдак.
Бахтдай олиб босди бағрига,
Қундан иссиқ эди бу кўкрак.

Қўзда ёниб оналик меҳри
Ёш кўксида тирсиллади сут.
Зўр рўзғорда кечган кундузнинг
Шу он бўлди ҳорғини унут.

Бола эмар мириқиб, шошиб,
Оқ момиқдай қўллар-ла қучар.
Бирпас севиб тўйғизади-ю,
Она қайта далага учар.

Ҳозир тонгдай гўзал, бахтиёр
Ўлтиради баланд сўрида.
Оқшом чўккан улкан пахтазор
Шу гўдакдай кўзи нурида.

Жўякларга қуйилган сувда
Гўё оқар эриб тўлин ой.
Нурга, сувга, меҳнатга қонди
Чексиз ҳосил бўлар хойнахой.

Она ўйлар колхозни, элни,
Юрти ишқи дар'ёдай жўшиб.
Билармикин она сут блан
Шу ҳисларни эмизар қўшиб?

Билади. Шу меҳри наҳридан
Шу парча ўт топар балоғат.
Бу кўражак кунлар, юмишлар
Толе'идек гўзалдир ғоят.

Ҳали туғилмаган кунларни
Қалб кўзила илғайди аранг.
Колхознинг ҳам ўша кўркини
Тасвирлашга тополмайди ранг.

Ухлаб кетди дала ва гўдак,
Она бедор салқин сўрида.
Орзуларин этар тарбият
Буюк Октябрьнинг нурида.

КЕЛИНЧАК

Букун тўйинг куни, севгинг шодлиги
Гўё ёш қалбингга сирмайин қолди.
Бахтиёр ҳаётнинг илк тантанаси
Сен ўсган қишлоқни қувончга солди.

Сенга тўй совғаси, гуллар кўтариб
Гурас-гурас келар дўстинг, тенгқуринг.
Янги уйда тўлиб кампирлар мамнун
Янги бахт, одатдан қизитар гурунги.

Дарахт орқасидан суқ блан қараб
Бошингдан сочаркан ой оппоқ чечак.
Севганинг ёнида, дўстлар ичида
Сени бахтли, гўзал кўрдим келинчак.

Устингда хушбичим оқ — тўй либоси.
Сочинг ҳалқасила ўйнайди шамол.
Тўйга келганларнинг кўзлари сенда
Гарчанд шу колхозда топгансан камол.

Куёв тикилганда бахтиёр, мафтун,
Гунча лабларингга чиқар ним кулгу.
Сен ва'да этдинг бахту саодат
Унда акс этади мисоли кўзгу.

Электр маржони нури қўйнида,
Чимилдиқ тўсмаган сувратинг зариф
О, ёшлик, порлоқсан, гўзалсан, гулсан
Сенинг та'рифингга қаламим заиф.

Янги давр яратган ёр-ёр авжида,
Қадаҳда жимирлар лоларанг шароб.
Уйнаб чарчамайди раққоса қизлар,
Яллага жўр бўлган танбуру рубоб.

Умрда бир бўлур бундай тантана,
Борлиғинг кўз бўлиб боқасан унга.
Биламан, истайсан ўтмаса будам,
Хотима бўлмаса шу ажиб тунга.

Эрка қиз, бу ажиб тун орқасида,
Заррин саҳифалик саҳар кутади.
Ҳаёт китобининг илк варағини
Толиинг кенг очиб сенга тутати.

Ҳали муҳаббатнинг баҳори олдда
Олдинда ёш ҳаёт, рангба-ранг фасл.
Умрингиз хушчақчақ иноқ бўлади,
Бунга ёниб турган кўзларинг кафил.

Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин.
Баҳор йўлларингга тўшасин чечак.
Шу ёшлик, шу чирой, умринг баҳори,
Сарғайиш билмасин сулув келинчак.

ЗООТЕХНИК ҚИЗ

Куйга тўлди гўёки ҳарён,
Кенг яйловнинг кўринмас чети.
Терисига сиғмайди чўпон:
Қелган колхоз зоотехниги...

Бу — Ойжамол, бир чўпон қизи,
Уқиб келди шаҳарда шу қиш.
Зоотехник «Гигант» колхознинг
Фермасида олиб борар иш.

Қорабайир, насилдор қўйлар,
Атарларин севар Ойжамол.
Бешйилликлар, хаёллар, ўйлар
Келажагин кўрсатар яққол.

Чўпон дейди: «Ҳар юз совлиқдан
Юз ўттиз беш оламиз қўзи...»
Бу учрашув берган шодликдан
Ёнар эди чўпоннинг кўзи.

Қизнинг бунга ишончи комил,
Чўпон машҳур, отоқли чўпон.
Мен билмадим, қиз кўрганмикан
Бундай қора кўзларни ҳеч он...

Қиз сўзлайди: «Она қўйларга
Мумкин эмас узоққа юриш!
Кундан-кунга юклари оғир,
Боқув даркор-даркор парвариш!»

Эркаланар қўйлар, уларни —
Силаб, сўзлаб борар Ойжамол.
«Ўт ўсиғи, сувнинг тиниғи
Ажратилсин буларга дарҳол!»

— Жон блан,— дер чўпон дилида,
Ўзи хурсанд, тинглаб борар жим.
Қизнинг ҳар ишида, тилида
Мичуринча, янгича илм...

Зоотехник жўнади, чўпон
Ишққа тўлиб боқди изига.
деди:

— Кунда кўрмак-чун сени
Тўлдираман қирни қўзига...

ПАРАНЖИСИНИ ТАШЛАМАГАН ХОТИНГА

Кундай оппоқ йўл ўртасида
Кутмаганда учратдим сени.
Очиқ, бахтли қизлар сафида
Бу юришинг ранжитди мени.

Узоқ ўтмиш бўлиб кўриндинг,
Савол блан келдим қошингга:
Мен ташлаган паранжини сен
Нечун олиб солдинг бошингга?

Қайда экан бу қора сарқит,
Сақлаб қолмиш қайси ифлос қўл?
Тушунчангни туманга ўраб
Сени қилмиш паранжига қул!

Сенинг эркинг, ҳаққинг ўғирлаб
Иродангга занжир солган ким?
Эрк макэни бўлган ўлкада
Нечун қолдинг тутқунликда жим?

Нечун, нечун азиз бошингни,
Ўз юртингда эгиб юрасан?
Ўурлигингни қўлингдан бериб
Паранжига кириб юрасан?

Биласанку бизнинг ўлкада
Аллақачон тутқунлик битган!
Бизнинг эркин қизлар та'рифи,
Шон-шуҳрати оламга кетган.

Қара, шунча озод хотин-қиз,
Сендан камми ҳусин бобида?
Ўарбириси бир ёрқин юлдуз,
Ярқирайди эрк осмонида.

Кремльда кенгаш қуради,
Прагада тушади рақсга.
Измига тоғ кириб юради,
Табиат-ла кирганда баҳсга.

Очиқ кўзин кўкка тикканда,
Кўринади куппа кундуз ой.
Идрокини сувга тикканда
Электрга айланади сой.

Бўз чўлларни қилади бўстон,
Унинг номи уста пахтакор.
Биласанми, ҳар тонг-ла элга
Рапорт бериш блан бахтиёр.

Қара, унинг кўксида Юлдуз,
Меҳнатидан бўлмиш Қаҳрамон.
Сенчи, нечун чодир ичида
Қолиб кетдинг, азизим, ҳамон?

Айтчи, дўстим, юзинг яшириб,
Паранжига ўраб қўйган ким?
Юлдуз каби ёнган кўзингни,
Эрк нуридан маҳрум қилган ким?

Жоним, ўтмиш чодирин ирғит,
Тонгдай яшна эркинларга хос!
Танҳоликни абадий тарк эт,
Ўур дўстларинг блан қадам бос!

Бу пардани ташласанг агар,
Ойни уялтирар юзинг бор!
Тунга боқсанг тунни ёритар
Юлдуз каби ўтли кўзинг бор!

Бу пардани ташласанг агар,
Кўкрагингга тегади офтоб!
Сенинг ўзинг таратган нурга
Душманларинг бермай қолар тоб!

Ташла ғафлат чодирин, дўстим,
Биз блан юр оппоқ оқ тўннга!
Ўзинг гулдай яшнаб, ишлаю,
Юртингни ҳам ўрагин шонга!

САОДАТНИНГ АМЕРИКАЛИ ХОНИМГА ЖАВОБИ

Менга келиб тегди, бойвучча хоним,
Флор вилласидан ёзган хатингиз.
Ажаб зукколик-ла сурибсиз қалам
Ҳасад ёндирганда қора дилингиз.

Мактуб дилнинг рамзи деганларидай,
Мен ҳам қиёфангиз кўрдим шу хатда.
Ёзибсиз бойликлар... уруш ва яна
Ўзингиз ва менинг унвоним ҳақда.

Билсангиз сиз бошқа, мен бошқа олам,
Сўзларим албатта қилади ҳайрон.
Майли Совет шарқи эркин қизининг
Жавобин эшитсин, тингласин жаҳон!

Сиз ҳам геологсиз, сизнинг унвонни
Отангизнинг беҳад бойлиги берган.
Эрингиз доллари хазинада тахт,
Саройингиз кўкка кўкрагин керган.

Фарзандни вужудан ёмон кўрасиз,
Қаритади, дейсиз туғиш аёлчи
Сиздаги билимни берган долларнинг
Жаранги банд этган бутун хчёлни.

Кийим-кечакларнинг йўқдир ҳисоби
Миллиондан ошади олтин ва безак.
Гулларга ўралган виллангиз тўлиқ
Хизматингиз қилар қора қул беҳад.

Ишлаш нега керак, умр роҳатда,
Қуллар меҳнатидан оқиб келар пул.
Мана, америкали калтабин хоним,
Сизнинг унвонингиз, қиёфангиз шул!

Сиз ўша тақинчоқ, долларга банда,
Вилладан дун'ёга ташлайсиз назар.
Кўзингиз ўйнатар менинг ёш ўлкам,
Ўусни тўлиб гўё баҳорги саҳар.

Сиз англайолмайсиз бизнинг дилларни
Тўлдирган зўр кучнинг берган бахтини! —
Мана мен геолог, неча йилларки —
Тинмай ўрганаман тупроқ қатини.

Бу озод тупроқда қуллик сўзини
Инсон учратмайди ҳатто луғатда...
Қулликни туғдирган ваҳший бир қонун
Ижод этилади сизнинг тарафда!

Мен қулмас, қулим ҳам бўлмас ҳечқачон. ...
Бу зўр оилада бир ҳаёт мавжуд.
Териси қорами, оқми, сариқми,
Совет кишисининг номи-ла машҳур.

Мен ҳам фан доктори, бойвуччахоним,
Мен ҳам бойлигимни билмайман четин.
Менинг парвозимда фан чўққисига
Сиз деган долларнинг қўли йўқ лекин

Мен оддий бир ўзбек чўпоннинг қизи,
Мени фан доктори қилган Ватаним!
Менинг хазинамнинг бойлигин санаб
Букун Уолл-стрит уйқудан маҳрум!

Ҳасад-ла сиз тинмай санайсиз лекин,
Ҳисобига етмай қуясиз доғда.
Чунки бу қурилиш, ижодий ишлар
Қундан-кун ўсади азиз тупроқда!

Жаҳон назарида кун сайин ошган
Дуру гавҳарларнинг асили манда!
Еуюк Кэммунизм бўлиб кўринар
Жаҳон назарини унга тикканда.

Бу — сўнгсиз қирларни гардишдай ўраб
Ўсган ўрмонларнинг куйдор шовқуни.
Янги каналларда қуёш нурини
Қамраб оққан сувнинг кўм-кўк тўлқини.

Чўлда барпо бўлган янги боғ кўрки,
Бу — олтин буғдойлар, зар каби ипак.
Бизнинг оппоқ олтин хирмони ҳар куз
Ҳар колхозда бўлар кўкка етгудак.

Барчаси бир қуёш нурини эмиб
Қундан-кун ортади қудрати, кўрки.
Бу — менинг Ватаним, тақдирим, бахтим,
Хазинам аталур Советлар юрти!

* * *

Сизда геологга йўқмиш эҳтиёж.
Бу ҳақ! Сизга қиммат бу кунги ўлжа.
Бизнинг Тошкентдаги университетлар
Ҳар йил мамлакатга берар юзларча!

Лекин буюк ишлар учун бу ҳам кам!
Ҳеч бири ўлтирмас сиз каби беиш!
Дилида жўш урган муқаддас тилак:
Ҳаёт гўзаллигин кўпроқ яратиш.


«Кўксимда хазинам биғ қуёш қадар,
Олиб халқингга бер!» деб чорлар ҳар тоғ.
Ернинг қатлаmidан тутқун нефть дер:
«Кўзим оч, айқирай мисоли булоғ!»

Тоғларга биз берган ҳаёт изидан
Қиар коммунизм ёрқин чироғи.
Мана менинг режам, ҳаёт харитам,
Менинг Ватанимнинг порлоқ иқболи!

Менимча, жаҳонда сиздан йўқ қашшоқ,
Эй дуру гавҳарга кўмилган хоним!
Пардоз қутисида билим ҳам, дил ҳам,
Сизнинг тушунчага ёлғиз пул ҳоким.

Чақалоқ оғзидан келган сут ҳидин
Менга берган кайфи албат сизга ёт,
Умрингиз боғини урган куз ели,
Боши берк кўчада сиз кирган ҳаёт.


Сизда келажак йўқ, сизнинг кўзингиз
Букунги олтину доллар асири.
Сиздай беистиқбол, сиздай беҳаёт
Уолл-стритнинг қора тақдири.





МАҚОЛАЛАР





ПАРАНЖИЛИ ХОТИН БЛАН УЧРАШУВ

I

Навоий кўчаси. Унинг бир чеккасидан қуёш кўтарилиб келмоқда. Яқиндагина қад кўтарган баланд, ҳашаматли бинолар. Янги Тошкент осмони соф, зангори...

Мен кўчага назар ташладим. Бу кўча менинг кўз ўнгимда барпо этилди. Биз — бу кўчанинг тенгдошлари, ундаги янги кўркам биноларга бефарқ, ҳаяжонсиз қарайоламизми? Мана, область ижроия комитети биноси. Марказий телеграф, Муқимий номидаги театр, «Родина» кинотеатри, «Средазуголь», мутахассислар уйи, Чирчиқстрой ходимларининг уйлари.

Бир вақтлар мана бу анҳордан эски шаҳар бошланар эди. Болаликда кўрганларим ҳали-ҳали эсимда: чанг, тупроқ тўлган кўчалар бўйлаб қинғир-қийшиқ, деразасиз, деворлари нураб кетган ҳовлилар бўларди. Мана бу тўрт қабатли бино ўрнидаги пастак ҳовли сра хотиримдан чиқмайди. Унда Ҳабиба Юсупова турарди. У ҳозир республикада хизмат кўрсатган ўқитучи, Ленин ордени блан мукофотланган. Ҳабиба Юсупова ўша вақтда ҳам ўқитучи эди. Хотин-қизлар озодлиги учун оташин кура-

шучи Ҳабиба Юсупованинг кўримсиз уйи ма'рифат ўчоғи ҳисобланарди. У, шу ерда яшаб, савод чиқариш курсларида ўқитар эди. Бундай курсларда ўқиган юзлаб, минглаб ўзбек қизлари аввал оддий алифбени, сўнгра эса ленинизм алифбесини ўргандилар. Ҳабиба опа биринчи марта паранжи ташлаган Нурхон ва Турсуной кабиларнинг қотиллари устидан, революция душманлари устидан бўладиган судларда сўзлаш учун оташин нутқларини шу уйчасида ёзган эди.

Ана, Ҳабиба Юсупова ҳозир Навоий кўчасидан ўз машинасида ўтиб кетди.

У, худди бурунгидай дарсга шошади. Бизнинг қизчаларимиз ёнига, бир вақтлар ўзи ўқитган хотинларнинг қизлари ҳузурига боришга шошади. Мактаб остонасида уни қувноқ қизлар кутиб олади. Паранжи ва «ичкари» — бу қизлар тушунчасида қадим шарқ эртақларидаги афсона сингари бир гап.

Мана, қадим шаҳарнинг янги кўчаси, мана биз — уни барпо этган кишилар, Ҳабиба Юсупованинг бириинчи шогирдлари — Совет Ўзбекистонининг хотин-қизлари: инженерлар, фан докторлари, завод ва колхозларнинг донгдорлари, сан'ат усталари. Ким ёш? Бизми, ё шу янги кўчаларми? Бунисини ўзингиз аниқлаб олинг!

Мен хотиримга келган бир-икки номни тилга олмоқчиман. Медицина фанлари доктори Зулфия Умидова юрак фаолиятини текшириб фанда ажойиб янгилик кашф этган аёл. Зарифа Саидносирова — химия фанлари кандидати, мана Турсуной Ёрмуҳамедова — Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқучиси. Лола

Эрбўтаева — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У, Мирза-чўлда янги ўзлаштирилган ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан ортиқ пахта ҳосили олган қиз.

Мен, Совет Ўзбекистонининг бахтиёр шоираси, Нзвоний кўчасидан мағрур юриб бораман. Алишер Навоий — бундан 500 йил муқаддам хотин-қизларнинг гўзаллигини, ма'навий бойлигини куйлаган шоир. Озод халқимизнинг бахтли ҳаётини, халқларнинг сталинча дўстлигини шарафловчи, яратилажак поэмалар ва романларнинг ҳали нотаниш қаҳрамонлари менинг ёнимдан ўтиб бормоқдалар. Улар жуда кўп.

Лекин... Мана шу пайт, шу кўркем кўчадан паранжили бир хотин кўланкадай судралиб ўтди. Кўзимга шарпадай кўринди. Жонажон шаҳримнинг ёриқ кўчасида бундай сояни кўриш мени қаттиқ ранжитди ва ажаблантирди.

Бу хотинни паранжи ёпинишга ким мажбур этди экан?

II

Бу саволга жазоб бериш учун жамоатчиликни ба'зи фактлардан хабардор қилмоқчиман. Бу фактлар кам учраса ҳам ниҳоятда хижолатли фактларки, уларни очиб ташлашни ўзимнинг гражданлик бурчим деб ҳисоблайман.

Зумрад Муҳамедова. У Тошкент темирйўлининг ходими бўлган ўз эрининг мажбур қилиши орқасида паранжи

Ёпинади. Ахир бу қиз совет мактабини «ичкари»да паранжи ёпиниб ўтириш учун битирганмиди?

Ўғилжон ҳам мактабни а'ло баҳолар билан битирган эди. Ҳозир у Янгиқўрғонда халқ маориф бўлимига (халқ маориф бўлими мудирига!) эрга чиққандан кейин, «ичкари»да ўтириб қолди.

Қашқадарё область Китоб район Паландара қишлоқ советида Гусинов деган киши мактаб директори бўлиб ишлайди. Бу мактабдан қизлар кетиб қолмоқда. Гусинов эса бунга қарши кураш уёқда турсин, аксинча, ёш ўқучи қизларни мажбуран эрга бериб юборишга ёрдам бермоқда. Бу киши Улашой Қурбонова, Қўйсиной Дўсмадова ва яна бирнеча ёш қизнинг тақдирини шундай «ҳал қилди».

Хатирчили Самад Аҳмедов уйланган одам, уч боласи ҳам бор. У, яна икки хотин олипти. Район ташкилотлари бундан хабардор, аммо... ҳозир чигит экиш қизгин экан, бундай «майда-чуйда» билан шуғулланишга вақт йўқ, ёмиш.

Район раҳбарининг бундай «Еввош мурасасоз»лиги қандай оқибатга олиб келди? Шу районда бирнеча колхоз раисларининг хотинлари ҳозиргача паранжи ёпинади. Кўп қизлар ўқишни тамомламай мактабдан кетиб қолмоқда.

Феодализм қолдиқларининг бундай кўринишларига бефарқ қаровчи коммунистлар ҳам бор! Илғор социалистик қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилучи киши — раис ўз хотинини паранжи ёпинишга мажбур этса, бунга чидаб туриш мумкинми?! Бу икки юзламалик-ку?!

Совет Урта Осиёси халқларининг ма'навий ҳаёти шу қадар ўзгардики, ҳали тарихда бунақаси бўлмаган. Биз совет даврининг кишилари буни яққол кўриб турибмиз. Социалистик маданият мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнамоқда! Аммо, шуниси ёмонки, ба'зи бировлар бу ютуқлар блан кибрланиб кетиб, энди ҳамма иш жўйида, деб ҳисоблайдиларда, ортиқча хотиржамликка бериладилар. Улар, миллионер колхозларимиз, катта каналларимиз, илғор агротехникамиз, комбайнларимиз, маданият ўчоқларимиз — театр, мактаб, кутубхоналаримиз бор, бундай ҳаёт эскилик қолдиқларини ўзидан-ўзи босиб кетади, деб ўйлайдилар. Эскилик ўзидан-ўзи йўқолиб кетади, деб хаёл қиладилар.

Бундай ўйлаш хато!

Республикамизда хотин-қизлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Совет ҳокимияти хотин-қизларга тенг ҳуқуқлар берди. Хотин-қизлар ҳозир колхозларимизда катта куч бўлиб қолди. Лолахон Эрбўтаева каби қаҳрамон қизлар — пахта учун кураш илғорлари бизда минглаб ҳисобланади. Минглаб ўзбек хотин-қизлари маҳаллий Советларнинг депутатлари, комсомол ва касаба союз ходимларидир.

Бунинг ҳаммаси аён. Шунга қарамай, эскилик ва дин қолдиқлари янгилик куртаклари ёнида ёввойи ўт сингари ҳамон ўрмаламоқда, ўсиш, ривожланишимизга халақит бермоқда. Дин ва эски бид'ат ан'аналарига қарши кураш сал бўшашган жойда ўтган асрларнинг тушкунлик

сарқитлари дарҳол пайдо бўлади, совет оиласига, социалистик турмушимизга суқулиб кирабошлайди.

Мен ҳалиги паранжили хотин блан ёнма-ён борар эдим. У Шириннинг, Лайлининг, Дилоромнинг ўлмас образини куйлаган буюк шоир — Алишер Навоийнинг ҳайкали қаршисига келиб тўхтади.

— Чачвонингизни кўтариб, ҳайкалга яхшироқ тикилиб қарасангизчи...

У юзини очди. Унинг ғамгин, уятчан юзи жуда чиройлик эди. У, самимий табассум қилди. Ростини айтсам қоронғида худди гавҳар ярқирагандай бўлди.

— Эрингиз ким?

У жавоб бермади.

— Ўқишни биласизми?

У «йўқ» дегандай, бош силкиди.

Биз яна ёнма-ён юрдик. Мен театр афишаларини совзимни чиқариб ўқидим.

— «Гулсара». Сиз бу операни кўрганмисиз? Навоий номидаги янги театрда қўйилапти. У театрни кўрганмисиз?

— Узоқдан кўрганман.

— Ичига кириб, «Гулсара» операсини тамоша қилинг. Унда бундан йигирма беш йил аввал паранжи ташлаган қиз — Гулсаранинг ҳаёти ва кураши кўрсатилади. Паранжини ташлаш Гулсара учун жуда қийин бўлган эди. У вақтда бойлар, эшонлар, босмачилар бор эди. Брок, у ёруғликка чиқди, ўз озодлигига эришди. Сиз учун паранжи ташлаш энди ундай қийин эмас...

. Мен унга Ҳалима Носирова ҳақида, унинг Москвада,

Большой театрда Гулсара ролини ижро этганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бердим... Ушанда улуғ доҳимиз Сталин Ҳалимани, у орқали эса Совет Шарқининг барча озод қизларини олқишлаганини айтдим.

Биз янги бино қурилиши ёнидан ўтдик, бу жойда пәлиграфкомбинат бўлади. Қора сочларини чамбар қилиб бошига ўраб олган ўзбек қизи каттакон экскаваторчи бошқармоқда. Бу қиз шу азамат машинани ўз ҳукмига бўйсундирган. Қизнинг кичик қўлларида нақадар зўр қудрат, дилида нақадар кўп ишонч бор!

Мен муюшда паранжили нотаниш хотин блан хайрлашдим.

— Кўришгунча хайр! — дедим мен. У, қўл бериб хайрлашди.

Мен аминманки, биз у блан яна учрашамиз. Яқинда учрашамиз. Унда бу хотин бутунлай янги одам бўлади. У, бу аҳволда қолаолмайди. Чунки, бизнинг давримиз Сталин даври, одамлар, давлатлар, халқлар коммунизм сари бораётган давр!

(„Литературная газета“нинг
1950 йил 19 апрель сонидан).

ДУГОНАЛАР БЛАН СУҲБАТ.

Мен сизга айтмоқчи бўлаётган бу воқиа шу баҳорда, қуёш нурларини мўл-кўл сочиб турган бир куни—якшанба куни юз берди. Мен шу куни ўз болаларимни Навоий номидаги театрнинг кундузги спектаклига олиб келган эдим. Театрда М. Кресеvнинг болаларга атаб ёзилган «Морозко» операси кўрсатилаётган эди. Деҳқон қизи бахтсиз Дунянинг тақдири болаларга қаттиқ та'сир қилди ва уларни ҳаяжонга солди. Антракт вақтида, ёноқлари қизариб кетган болалар ўз ўртоқлари блан нима-лар ҳақидадир баҳслашар, мен эса, дугоналарим блан суҳбат қилар эдим. Бугун мен театрнинг кенг кўркем фойесида жуда кўп ўртоқларимни учратдим. Буларнинг бири блан мактабда бир партада ўтирганмиз, иккинчиси блан институтда бирга ўқиганмиз, учинчиси блан эса парашютчилар тўгараги машғулотларига бирга қатнашганмиз.

Дугоналарим блан ажойиб ёшлигимизни эслашдик. «Эсингда борми...?» — дея, бир-биримизнинг сўзимизни бўлиб, одатдагича турли-туман саволлар беришар эдик. Биз узоқ йиллик самимий дўстлик блан бир-биримизга боғланган қадрдон дугоналар, завқ ва шавқ блан суҳ-

батлашар эдикки, худди атрофимизда давра-давра бўлиб хушчақчақлик блан сўзлашаётган болаларимизга ўхшар эдик.

Бу ерда юридик фанлар доктори ҳуқуқ профессори Хадича Сулаймонова ҳам бор эди. У ўзининг олти яшар ўғлини театрға олиб келган. «Морозко» операсини кўрса-тиш учун ўзининг икки қизини олиб келган фанлар кандидати, юридик институтининг ўқитучиси Холида Саматова ҳам шу ерда. Театрға булардан бошқа яна бирқанча дугоналарим келган. Ана, филология фанлари кандидати Хосият Комилова, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари министри Ёдгор Насриддинова ва бошқалар.

Биз бир-биримиз блан бугун учрашганимиздан бениҳоя шод эдик. Биз кўпинча мажлисларда, ёки тантанали кечаларда учрашамиз. Аммо мана бугунги сингари, болалар блан биргаликда, дам олиш кунлари бўладиган учрашув кўпдан бери бўлмаган эди.

Биз суҳбатимиз вақтида мактаб ва институтларда бирга ўқиган ўртоқларимизни эсладик ва уларнинг ўз ишларидаги муваффақиятларидан гапириб қувондик.

Тепловоз машинисти Башорат Мирбобоеванинг тезю-рар рейси, СССР Олий Советининг депутати агроном Саодат Раҳимованинг янги ютуқлари ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач генеколог Назокат Орипхо-нованинг кандидатлик диссертациясини муваффақият блан тайёрлаётганлиги ва ниҳоят, яқинда «Тинчлик учун» деган темада янги панно яратган, халқ рассоми

Фазилат Саидалиеванинг ижодий муваффақиятлари ҳақида фахр блан сўзладик.

Бугун халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ва маданий қурилиш соҳаларида ишлаётган ўртоқларимизнинг эришган муваффақиятларини санаб ўтиш биз учун жуда кўнгилли эди.

Бугун биз дугоналар блан бошқа ўртоқларимизни ҳам, кўпдан бери биз кўрмаётган ўртоқларимизни ҳам эсладик.

— Карима Воисова қаерда?

— Нафиса Раҳимова-чи?

Ҳали яқиндагина биз блан бирга ўртоқ бўлиб юрган, хушчақчақ, ақлли бу қизларнинг ҳаммаси гўё кўз олдимизда турар эди.

Мен бу ёш жувонларнинг, ўз дугоналаримнинг кейинги вақтдаги аҳволларини билдим... Буларнинг аҳволи менга аччиқ ва ачинарли бўлиб туюлди. Шунинг учун ҳам мен бугун улар блан очиқчасига самимий, чин кўчгилдан, худди ёшлигимиздаги каби очиқ суҳбат қилишни истадим.

Эсингиздами, азизим Карима Воисова, бир вақтлар сиз ўзингизнинг орзу қилган ишингиз — юристлик ҳақида қанчалик ихтирос блан гапирар эдингиз? Сизнинг ўша орзу ҳавасингиз қаерга кетди? Сиз, мен болалик бўлиб қолдим, ишлаш учун имконим йўқ, дейсиз.

Сиз, мен ўз ҳаётимни болаларимнинг тарбиясига бағишладим, дейсиз, аммо ҳақиқатда эса, сиз ўзингизнинг тороилавий доирангизга, уй ташвишлари доирасига ўралишиб қолгансиз. Тўғри, биз — онамиз, ўз болаларимизни

тарбиялаш — бизнинг фахрли бурчимиз. Биз уларни меҳнатсевар, мустаҳкам иродали ва она-Ватанга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялашимиз керак! Биз — оналар истаймизки, ҳарбиримизнинг фарзандимиз коммунизм қуручиларнинг биринчи қаторларида бўлсинлар. Шунинг учун ҳам биз ўз ҳаётимиз, ўз хулқимиз, ўз хатти-ҳаракатимиз ва ўз меҳнатимиз билан фарзандларимизга намуна бўлишимиз керак. Сиз боланинг қалбига бир назар солинг! Бола ўз энасининг—инженер ёки актриса, бипокэр ё педагог эканлиги билан қанча фахрланади!

Сиз фарғонали машҳур колхозчи Файзинисо Ну'мовани эсингизга олинг. У ўзининг фидокорона меҳнати билан пахта далаларида шон-шуҳрат қозонди. Ахир, унинг ҳам бешта боласи бор-ку! Файзинисо опанинг болалари ўз оналари билан қанчалик фахрлансалар арзийди.

Ўқитучи Нафисахон Раҳимова! Мен сизнинг сўнгги аҳволингизга ачиниб, чин юрагимдан сизга мурожаат қилаётирман. Сиз нима учун, институтни тамомлаб чиқиб, ўз билимингизни яшириб ўтирибсиз? Сиз бу билимингизни юзлаб ва минглаб ўзбек қиз ва ўғилларига берсангиз бўлмайдими?

Сиз ҳам менинг болаларим бор деб айтарсиз...

Мен сизга шундай жавоб бераман:

— Республикамизда хотин-қиз ўқитучилардан 480 кишига республикада хизмат кўрсатган ўқитучи деган фахрли унвон берилди. Булар орасида Ҳабиба Юсупова каби ўзининг 10 боласини тарбиялаб ўстирган оналар оз эмас. Аммо Ҳабиба Юсуповадан ўзининг атрофини ўраб олган дунёнинг кенглигини ўрганган, ўқиш, ёзиш, ҳам

ҳисоблашни ўрганган болалар сон ва саноқсиздир. Ҳабиба Юсупова қўлида билим олган бу болалар — унинг ўз болалари эмасми?

Бизнинг республикамизда, бутун Совет мамлакатада бўлганидек, оналар давлатимиз томонидан зўр меҳрибонлик ва катта эʼтиборга сазоворлар. Хотин-қизлар учун, уларнинг ижодий самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Мен сизга баʼзи рақамларнигина мисолга келтириб ўтмоқчиман.

Бизнинг Ўзбекистон ССРда мингдан кўп болалар яслилари ишлайди. Бу яслиларда минглаб ва ўн минглаб болалар тарбияланмоқда. 700 га яқин врач педиаторлар бизнинг болаларимизнинг соғлиғини ҳимоя қилмоқдалар. Бундан ташқари, республикамизда қанчадан-қанча болалар боқчаси, майдончалар, консультациялар ва санаториялар бор.

128 хотин-қиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач унвонини олди. Ёш врач Эʼтиборхон Тўхтаева! Агар сиз институтни тамомлаганингиздан кейин Наманганга ишга юборилганингизда борганингизда эди, мана шуларнинг сафида бугунги кунда сиз ҳам бўлишингиз албатта мумкин эди.

Аммо сиз уй бекаси бўлиб қолишни афзал кўрдигиз...

Мен сизларга жуда ачинаман. Сиздек бўлиб қолганлар унча кўп эмас, лекин шундай бўлса ҳам, бирингиз педагог, бирингиз врач, бирингиз инженер бўлиб ишлашингиз мумкин эди, броқ ҳечқайсингиз буни қилмаётирсиз. Шу кунга қадар сиз ўзингизнинг меҳнатга бўлган

буюк ҳуқуқингиздан фойдаланмаётирсиз. Мен ана шунинг учун ҳам сизларга ачинаман.

Мен сўзимнинг охирида Карима Воисованинг эри — ўртоқ Султоновга мурожаат қилишни истайман:

— Ўртоқ Султонов, сиз раҳбарлик ўринда хизмат қиласиз. Сиз министр бўлиб ишладингиз, ҳозир мевачилик совхозлар трестига раҳбарлик қилаётирсиз. Нима учун, сиз хотинингизга ўзининг қизиққан иши соҳасида кенг йўлга чиқиб олишда кўмаклашмайсиз. Ахир сиз ўйлаб кўринг, хотинингизнинг ўртоқлари ўсиб машҳур кишилар бўлиб етишмоқдалар, сизнинг хотинингиз эса, улардан орқада қолиб кетмоқда, сиз уни рўзгор ишлари билан банд қилиб қўйдингиз. Мен бу аҳволга тўғридан-тўғри шундай деб баҳо бераман: бу бизнинг турмушимизда ҳали йўқолиб битмаган эски урф-одатларнинг бир кўринишидир.

Сиз, тил ва адабиёт ўқитучиси ўртоқ Маҳзумов, бир вақтлар ўз хотинингиз Нафиса Раҳимова билан институтда студентлик скамейкасида ёнма-ён ўтириб ўқигансиз. Бугун нима учун у сизнинг сафингизда мактаб аудиторияларида кўринмайди?

Сиз мана шу ҳақда бирор марта ўйлаб кўрдингизми? Мен яна сизга, қадрдон дугоналарим, сизга мурожаат қиламан! Сизлар уйда ўтириб, катта, қизғин ва ижодий меҳнат қайнаган ҳаётдан ажралиб қолиб, қанча-қанча хурсандликлардан маҳрум бўлаётирсиз. Ўз бахтингизни ўзингиз чеклаб қўяётирсиз. Бахт — меҳнатдадир. Сизлар буни яхши тушуниб оларсиз деб ўйлайман! Бизга, озод ва бахтиёр совет хотин-қизларига капиталистик

мамлакатлардаги аёллар умид кўзлари блан қарайдилар. Улар учун, ҳақиқатан ҳам ошхонадан, болалар блан ўралишиб қолишдан, доимий оч ва муҳтожликда яшамокдан бошқа илож йўқ... Бизда эса улуг, қувноқ ва ёрқин ҳаёт барпо қилинган. Бунда бизнинг ижодий меҳнатга ва бахтиёр яшашга эрлар блан баббаравар тенг ҳуқуқимиз бор.

Сизлар бу ҳуқуқларингиздан фойдаланингиз, азиз дўстларим, менинг бу сўзларимни танангизга ўйлаб кўринг, мактаб ва институт скамейкаларида ўтириб қилган жўшқин орзуларингизни хотирланг!.. Сиз ўз болаларингизнинг бахтиёр ва тинч яшабини истайсиз. Тинчлик эса меҳнат блан мустаҳкамланади.

Мен яхши биламан ва ишонч блан айтаоламанки, сиз албатта биз блан яна бирқаторда бўласиз!

(„Литературная газета“нинг
1952 йил 6 май сонидан).

